

Мен Ислом келажагига умидла боқаман



16:04 / 21.02.2020 3061

«Кўп уйлاردан исломни қидирдим. Аммо исломни улар деворга зийнат қилиб осиб қўйишганини кўрдим. Уй кутубхоналарида териб қўйилган, устида чанг тўпланиб қолган китоблар ҳолида кўрдим. Мен исломни аёллар кўксида тақиб қўйилган тилла тақинчоқларда кўрдим. Масжидларда тиловат қилинаётган Қуръонларда кўрдим. Вақтида ўқиладиган намозларида кўрдим.

Аммо кўп мусулмонлар исломни бозорга, ишхонага, завод-фабрикаларга ва институт ва университетларга олиб боришмайди.

Улар фарзандларига қўйган исмларидан исломда эканликларини билдим. Аммо баъзилари бу исмлар замонга муносиб эмаслигини, уларнинг шарманда кийимларига мос келмаётганини даъво қилиб Европача исмлар қўйишаётганини кўрдим.

Баъзилар эшиттиришларини Қуръон билан бошлашади, уни кўп ўринларда кўрдим, аммо у Аллоҳ ирода қилган Ислом эмас.

Мен пессимист эмасман. Мен Ислом келажагига умидла боқаман. Кишиларда онг дебачалари кўрина бошлади. Жоҳилликка қарши илк ҳаракатлар томон қадам ташланди. «Ҳақиқий исломни хоҳлаймиз» деган овозлар баландлай бошлади».

Тақийуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Соиғ ал-Мисрий